



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 29 октябрь, чоршанба

№88

(11.579)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда истиқболда асосий субъект — қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиси бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Яқин йилларда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларида узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишини рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва қарорларни яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни молиялаштириш бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялаштириш услуб ва шакллари таллашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ

хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимини шакллантириш; бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган 2004-2006 йилларда фермер хўжаликлари ривожлантириш концепцияси маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, тандов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ерни узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда, пахта ва галлани етиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланиши таъминлигига қатъий риоя қилиниши зарур. Бунда электр энергияси, ёқилғи-мўйлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларида бошқа хизматлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Қамода уч йил давомида мунтазам равишда бу таъминилга амал қилмаган фермер хўжаликлари билан ерни (Давоми 2-бетда).

Узини ўзи бошқариш органларига сайлов олдидан



ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Ўртаҳарлик туманидаги Оқунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини «Обод маҳалла йили» дастурини изчил амалга ошириб, ободончилик, ёшлар тарбияси, болалар спортини ривожлантириш масалаларига катта эътибор бермоқда.

Бу ишларда маҳалла кўмиталари, фаолларнинг иштироки алоҳида ўрин таътир. Уларнинг сазой-харакатлари билан гузарлар, автомобиль бекатлари, болалар спорт майдончалари қад

расига етказилляпти. Меҳнат-обод маҳалласида эса болалар учун спорт майдончаси барпо этилмоқда.

Айни кунларда фуқаролар йиғинида 2003 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловга ҳам қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Йиғин қошида ташкил этилган ишчи гуруҳи ҳудуддаги 13 та маҳаллада

унинг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун ташкилий ва тайёргарлик ишларини охирига етказмоқда.

СУРАТДА: фуқаролар йиғини раиси Одиҳўжа Тўхта-хўжаев ишчи гуруҳи аъзолари билан навбатдаги режалар ҳусусида фикрлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Пахта — 2003

- Вилоят пахтазорларида йиғим-терим ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Йиғирмага яқин ширкат хўжалиги, юзлаб бош пудратчилар шартнома режасини барвақт бажаришга муваффақ бўлдилар.
- Барча туман ва хўжаликларда қўл терими кучайтирилиб, оммавий сафарбарлик давом эттирилмоқда. Теримда 200 мингга яқин киши иштирок этаётгани вилоят бўйича кунига йиллик режанинг тақриб 30 фоизига яқин пахта тайёрлаш имконини бериши фойдага эришди.
- Чиноз тумани пахтазорлари йиғим-теримда ҳамон қўл терими кучайтирилиб, оммавий сафарбарлик давом эттирилмоқда. Теримда 200 мингга яқин киши иштирок этаётгани вилоят бўйича кунига йиллик режанинг тақриб 30 фоизига яқин пахта тайёрлаш имконини бериши фойдага эришди.
- Чиноз тумани пахтазорлари йиғим-теримда ҳамон қўл терими кучайтирилиб, оммавий сафарбарлик давом эттирилмоқда. Теримда 200 мингга яқин киши иштирок этаётгани вилоят бўйича кунига йиллик режанинг тақриб 30 фоизига яқин пахта тайёрлаш имконини бериши фойдага эришди.

БУ ГАЛ УЛОҚ — «ҚАҲРАМОН»ДА



чунки, ушбу ширкат хўжалиги теримни тез ва сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берди

Хўжалик раҳбарлари терим мавсуми олдида ҳосил қўлини чағалаб қўриб, қўнғиллари тўлиди. Режанинг бажарилишига шубҳа йўқ. Ҳатто, туманда биринчи бўлимининг ҳам имкони бор. Лекин, теримни бошлашга шовишмадилар. Қўл теримида қатнашиши мумкин бўлган одамлар сонини, туман МТП негизда машина бериши олдида аниқланди ва ана шу кўчлар олдидан оқилона тақсимланди.

Авалло, икита «Кейс» қўнғиллари 80-85 фоиз қўнғилга оғирлашган, дефолиация сифатли ўтказишдан майдонларга туширилди. Шу сабабли бу майдонлар биринчи теримда ўртача 30 центнердан ҳосил тўкди.

Четдан келган 1100 нафар хашарчи ҳамда 800 дан зиёд пудратчи оила ва маҳаллий аҳоли вакиллари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани туфайли йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ суръат юқори бўлди. «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги мавсум бошидан оқилона тақсимланган қўнғилга олиб, давлат пахта хом ашёси сотиш шартнома режасини Оқўрғон туманида биринчи бўлиб бажарди. Биринчи теримнинг ўзбек давлат бюртмачини қоплади.

Бугунги кунгача қабул пунктларига топширилган пахта режадаги 1900 тонна

ўрнига 2000 тоннадан ошди. Ҳосилдорлик 28 центнерга етди. Ана шу хом ашёнинг 20 фоизи ёки 380 тонна «Кейс» қўнғилларида терилди. Бундан ташқари Тошкент туманидаги Ғ.Абдуллаев номи, Навоий номи, Абдурахмонов номи хўжаликларида таширив буёрган хашарчилар ҳам умумий ҳирмонга салмоқли ҳам қўнғилди. Дарвоқе, улар ҳамон теримни булаштирадилар. Далада ҳам ҳосил мўл. Хўжалик яна қамода 250 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 31 центнерга етказмоқчи.

— Энг муҳими — пахтакорларимиз йил якунида дурустгина даромад оладиган бўлишяпти, — дейди бошқарув раиси Саидкамол Бахромонов. — Ҳозиргача 440 миллион сўмликдан кўпроқ пахта сотилди. Соф фойда ҳам шунча яраша бўлади, албатта.

Самад Йўлдош.

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Пойтахтимиздаги П. Ф. Боровский номи тиббиёт коллежиди «Она тилим — жонун дилим» ширати остида тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда тилимиз гузалигини ифода этувчи қўшқлар қўйилди, шеърлар ўқилди. Коллеж ўқувчилари томонидан жонун тилидаги ўзбек тилига таърифлар берилди. Русийзабон гуруҳ ўқувчилари ўзбек тилида саҳна кўринишлари намойиш этишди.

Муҳими, яна бир бор Навоий ёдга олинди, унинг шаъни ўзбек тили шаъни билан биргаликда улғуялди. Айни пайтда тилимиз ривожига, унинг софлигига асраб қолишга ҳисса қўшаётган ёзувчи ва олимлар номи фахр билан тилиб олинди.

Фароғат ЖАББОРОВА.

Мустақиллик ва маънавият

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Узоқ ўтмишда буюк алломаларимиз ўз бой илмий-маънавий мерослари ва таълимотлари билан жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшганлар. Мустақиллик йилларида уларнинг инсоният таракқиёти олдидаги муносиб тарихий макомлари тикланди. Уларнинг ҳаётлари ва қимматли асарларини ўрганиш учун кенг йўл очилди.

Ўз оламшумул таълимотлари, кашфиётлари билан жумлаи-жаҳонни лол қолдирган алломаларимизнинг ибратларига тўлиқ намунали ҳаётлари ва илмий салоҳиятларига оид маълумотлар, айниқса, ёшларимиз учун катта тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Бугунги ҳаётий зарурат, миллий истиқлол

Маълумки, ҳукуматимиз қарори билан 1998 йилда ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари таваллудининг 1225 йиллиги дунё миқёсида кенг кўламли нишонланди. Юбилей муносабати билан буюк муҳаддиснинг Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида жойлашган мақбараси батамом қайта қурилиб, замонавий, муқашша ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Унинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Президентимиз Ислам

Каримов: «Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун муслмон оламининг фахри-ифтихоридир. У табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий жасорат, буқилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир», — деб таъкидладилар.

Буюк алломанинг ҳаёт йўлларига назар ташлар эканмиз, ёшликларида бошлаб илм-фанга, айниқса, бутун умрларини бағишлаган жаноб пайгамбаримиз Мухаммад алайҳис-саломнинг ишончли (Давоми 2-бетда).

Табиат муҳофазаси

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари бу йил ҳам жойларда экологик барқарорликни сақлаб қолишга қаратилган қатор чора ва тадбирларни амалга оширмоқдалар

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, вилотимизда табиат муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор билан қарала бошланди. Мазкур соҳадаги фаолият мамлакатимиздаги экологик вазиятни яхшилашни қўлаб қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорлар, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1995-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ишлари Дастури тўғрисида» қарори асосида олиб бориляпти.

Энг муҳими шу даврда атроф-муҳитнинг ўта хавфли, юқори даражада ифослани-

шига олиб келадиган ҳолатларнинг олди олинди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жад-

валлар асосида жойларда табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларига риоя қилинишида таркиб топган аҳолилар мунтазам текширилди.

(Давоми 3-бетда).

ЁШЛАР УЧУН ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Халқ таълими вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «LG Electronics» компанияси «Йилнинг энг яхши гоёси» мавзусида танлов эълон қилди. Танлов «Ўз атрофинидаги оламни ўзгартир» ширати остида ўтказилади.

Танлов иштирокчилари олтига, ҳусусан, «Дастурий таъминот тизимидан самарали фойдаланиш бўйича энг яхши гоё», «Энергиядан самарали фойдаланиш ва сақлаш

бўйича энг яхши гоё», «Атроф-муҳитни асраш бўйича энг яхши гоё» каби номинациялар бўйича баҳаслашишди.

Унда 11 ёшга булган мактаб ўқувчилари, 17

ёшгача булган ўқувчилар ва бакалавр-талабалар иштирок этиши мумкин. Ишлар турли шаклларда юборилиши мумкин. Бунда муаллим инновацияси истисно қилинмайди. Масалан, гоёнинг ёзма баён этилиши, гоёнинг ишлаб чиқилган макети ёки унинг компакт-дискдаги электрон шакли.

Танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич — жорий йилнинг 1 декабридан 31 декабригача, иккинчиси 2004 йилнинг 1 мартидан 31 мартигача. Иккинчи турга ўтган иштирокчилар ўз ишларини ҳимоя қилиши ва уларнинг ташкилий қўмита олдида тақдиротида самарали эканини исбот қилиши зарур. Ҳар бир ёш гуруҳида голиблар аниқланади.

Ў.А.

Вилоят

ҳаёти ТИЛЛА АЯНИНГ САХОВАТИ

Пскент туманидаги Х. Қодиоров номи ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Тилла Абдуқодиrowа шахсий жамғармасидан 27-мактаб ўқувчиларига спорт анжумалари тухфа этди.

— Бокс қўлқоплари, теннис ракеткалари, коптлар ҳада этган Тилла аядан гоёт миннатдоримиз, — дейди Хўкар Турғунова, Мунира Мавлонова, Дилфуза Чиндавлатова каби ўқитувчилар.

Вилоятнинг ҳар бир гўшасида фарзандлар келажаги учун қайғурадиган шундай онахонлар кўпайишса, нур устига аёло нур бўлади.

Хурида НАЗАРОВА.

КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Вилоятимизнинг боғдорчилик ва полдиз маҳсулотлари етиштиришга иштироклашган Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигида кичик корхона иш бошлади.

У бир кунда юз тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш қувватига эга. Шу кунларда корхонада тайёрланаётган мева шарбатлари, мурabbo ва томат пастаси махсус идишларда қадокланиб, Россия ҳамда Қозғистонга экспорт қилинмоқда. Бу ерда 12 нафар йигит-кизи иш билан таъминланди.

Воҳид БОЙМУРОВОД

«ШОҲРУХ»ДА БЕЛЛАШДИЛАР

Зангиота тумани Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Урта маҳаллада жойлашган «Шоҳрух» шохмат-шахсақлибда туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг бўлимлари ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг кўбоғи учун шохмат-шахсақлиб бўйича мусобақа ўтказилди.

Унда ўқувчилар ва катталар ўзаро куч синнашдилар. Икки кун давом этган кизиқарли беллашуларда голиблар аниқланиб, уларга хомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз.

AZIZ D'OSTLAR! Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида 2004 йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилиши давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Эслатиб ўтаимиз: бизнинг индекс — 205.

